

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 16 сентябр № 35 (8477)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни қабул қилди.

Юртбошимиз «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қорорни имзолади.

2023 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Қирғизистон Республикаси Хукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақида Баённома (Бишкек шаҳри, 2023 йил 27 январь) кучга кирди. 1 сентябрдан Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари 60 кунгача идентификация ID-картаси билан икки давлат ҳудудларига киришлари, ҳаракатланишлари ва унда бўлиб туришлари мумкин.

Талабалар ва уларнинг ота-оналарига енгиллик яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг тўлов қобилиятини инобатга олган ҳолда, истисно тариқасида, 2023/2024-ўқув йили учун барча босқичдаги талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдори давлат олий таълим муассасалари, жумладан, молиявий мустақиллик берилган олийгоҳларда ҳам базавий тўлов-контракт қиймати 2022/2023-ўқув йили учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолинади.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 сентябрдаги қарори билан "Халқ саломатлиги посбони" кўкрак нишони таъсис этилди.

Нишондорлар

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ



Дарҳақиқат шундай. Эл-юрт тараққиёти, соҳа ривожини учун бор куч-салоҳиятини бағишлаган, самарали меҳнат қилган замондошларимизнинг фидокорликлари туфайли ҳам

Ўзбекистон аталмиш озов ва обод диёримизда ислохотлар изчил давом этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланган инсон омилини ҳар томонлама рағбатлантириш, кекса авлоднинг эъзозини жойига қўйишга эътибор кучайтирилди.

Хабарингиз бор, буюк Истиклолимизнинг 32 йиллиги арафасида Фарғонадаги "Афросиёб" тантаналар саройида уюштирилган тадбирда вилоятимизнинг куч-ғайрати, бор салоҳиятини шу юрт ободлиги, халқ фаровонлигига бағишлаб, фидокорона меҳнат қилган

бир гуруҳ фахрийларига Ўзбекистон "Нуроний" жамғармасининг биринчи даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тақдим этилди. Улар орасида маҳалла, қишлоқ ҳужалиги тизимида самарали меҳнат қилган, ҳозирда ҳам бу соҳада фаолият олиб бораётганларнинг энг яқин маслаҳатгўйлари, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Кароматхон Уматқулова, Исроилжон Исмоилов (суратларда), Ҳабибулла Маҳмудов (сафардилиги учун тасвирга туширилмадик)лар ҳам бор.

Нишондорларни самимий табриклаймиз. Умрлари зиёда бўлиб, узоқ йиллик меҳнатлари роҳатини кўриб, мана



шундай эл-юрт ардоғида юришларини тилаймиз.

Ўз муҳбиримиз
Бахтиёржон
РУЗИОХУНОВ
олган суратлар.

Пешқадамлар даласида



МАВСУМ ЗАВҚИ

Эрта баҳорда ерга маромида чигит қадаб, текис ундириб олиш, агро-техника талаблари асосида парваришлаб, хашаротларга олдирмай, анқатиб-чанқатмай, маромида ҳосил тўплашнинг ўзи бўлмайди. Чигитдан пахта ҳосил бўлгунгача деҳқон не меҳнат-машаққатларни бошдан ўтказмайди, дейсиз. Мана бугун ана шу меҳнатнинг меваси—оппоқ пахта-лар далаларга зеб бериб, кўзларни қувонтирмоқда.

Ишнинг кўзини билиб меҳнат қилган деҳқоннинг чўмичи мой устида бўлиши тайин. "Қўмтепа-Қамиштепа" машина-трактор паркига қарашли Рустам Равшанов номли фермер хўжалиги аъзолари ана шундайлар тоифасидан. Ғалладан кўзланганидан анча зиёд хирмон уйган хўжалик аъзолари 46

гектар майдонда ҳар қачонгидан мўл ҳосил бунёд қилдилар. Шу боисдирки, жамоа ғалаба манзиллини биринчилардан бўлиб забт этди.

—Ун сақкиз ёшимдан даладаман, шунга ҳам ўн беш йил бўлибди, — дейди ёш, интилувчан, янгиликка ҳамisha пешвоз чиқишга одатланган фермер Отабек Ботиров. Қирқ кишилик жамоамизга ўз ишини яхши кўрадиган, масъулиятни ҳис қиладиганлар жамланган, десам хато бўлмайди. Мухаммаджон Раҳимов, Абдоржон Комилжонов, Улуғбек Мамажонов сингари механизатор ва сувчилар, Сожидахон Комилова, Зарифахон Нишонова, Дилнозахон Қурбонова, қўйингки, барча аъзоларимизнинг фидокорона меҳнатлари ютуқларимиз гаровидир. Бугун хўжалигимизда пахта териш

машинадан ташқари барча техника воситалари бор. Даромадимиз йилдан-йилга ортиб бораётган экан, бу, мана шу ҳалол меҳнат туфайлидир.

Хўжалик далаларида терим ҳамон авжида. Мавсумий ишчилар бўлиб ҳар куни 150 га яқин одам пахта термоқда. Теримчиларнинг иш ҳақлари ҳар куни берилляпти. Мавсумда теримчилар оиласига қунига ўртача 200 мингдан даромад қиряпти. Фермер ҳам, меҳнатига яраша ҳақ олаётган оддий аъзо, мавсумий ишчилар ҳам пахтачиликда кластер тизими жорий этилганидан хурсанд бўлиб сўзламоқдалар.



Суратда: фермер Отабек Ботиров (ўртада) механизатор Нейматжон Мирзаев, илғор теримчи Дилрабохон Уктамова билан: машъал теримчилардан бири Муҳайёхон Турсунова.

Матн ва суратлар муаллифи Бахтиёржон РУЗИОХУНОВ.

УШБУ

2

* Миллий қадриятимиз илдизини «уйғотди»

СОНДА:

* Мурोजаат ортидаги инсон

3

* «Умр яхшиликка сафар бўл сайди»

* Маҳалла — катта куч
* Соғлом турмуш тарзи

4

Маънавият

* Ҳадислар
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Маҳмуд Қошғарий

Таълим: ислоҳот чорраҳаларида

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ ИЛДИЗИНИ “УЙҒОТАДИ”

7-умумтаълим мактабида японча тажриба қандай қўлланиляпти?

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг Японияга ташрифи доирасида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда кунчиқар мамлакат тажрибасини жорий қилиш мақсадида шу юрт мутахассиси Гото Микако билан тузилган шартномага асосан, у шу йилнинг 5 май кунини Фарғонага келди ва у турар жой ҳамда тегишли маош билан таъминланди. 10 сентябрдаги шартномага кўра эса робототехника ва аниқ фанлар бўйича япониялик профессор Коганезава Коичи жаноблари вилоят ҳокимининг таълим бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият бошлади.

Япониялик Масару Ибуканинг “Учдан кейин кеч” деган асарини ўқиганлар бордир. Бу китобни ҳар бир ота-она ўқиб чиққанида эди. Масару философ, психолог ёки ёзувчи ҳам эмас. У муҳандис-тадбиркор, “Sony» корпорациясининг асосчиси, болаларни жуда ёшлигидан тарбиялаш ва ўқитиш концепциясини яратган, дунёда эътироф этилган юқоридеги китобнинг муаллифидир. Муаллиф китобда “Боланинг ўрганиш ва ривожланиш салоҳияти энг юксак бўлган давр дастлабки уч йилдир. Фурсатни бой берманг!” деган ғояни асослайди ва ҳаётий мисоллар билан исботлайди.

Эътибор қилган бўлсангиз, японча бу ғоя буюк аждодимиз, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Синога олти ойлик болани олиб келиб “бола тарбияси билан қачондан бошлаб шуғулланмоқ керак?” дея берилган саволга “олти ой кечикибсизлар” қабилдаги жавобига жуда ҳамоҳангдир. Тарбияда эса болани меҳнатга кўнантириб боришининг аҳамияти бекиёс эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Кейинги пайтларда шарқона бу ҳақиқатдан анча чекинди ва у қимматга тушмоқда. Японча тажрибанинг моҳиятида ана

Тўғриси, японларнинг тарбиядаги тажрибасини чуқурроқ ўргансангиз, миллатимизнинг қадим қадриятларини қайта кашф этгандай бўласиз. Ота-боболаримизнинг “бола—бошдан”, “одамини меҳнат тарбиялайди” сингари ўғитлари замирида ҳам японча тажрибанинг моҳияти акс этиб турибди.

Газетамизнинг ўтган сонидеги ваъда қилганимиздай, тарбияга жорий этилаётган японча тажриба билан танишиш учун таълим муассасасида бўлиб, ҳолатни яқиндан ўргандик. Айтиш керак, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда японча тажрибани қўллашга вилоятимиздаги 18 та муассаса қаторида туманимиздан бежиз бу мактаб танлаб олинмабди. Давлат дастури асосида мукаммал таъмирланиб, қўшимча бинолар қурилгани, кенг, ёруғ синф хоналари, уч гектардан ортиқ майдони, энг асосийси, аҳил жамоа талабга жавоб берганки, тажриба учун айни шу мактаб танланибди.



шу ҳақиқатни қайтариш мақсади ётади.

Ҳўш, ҳозирча битта мактабда, англашимизча, босқичма-босқич барча билим даргоҳларида қўлланиладиган тажриба қандай жорий қилиняпти? Бу борада мактаб раҳбарлари ва устозлар билан суҳбатлашамиз.

— Мактабимизда бу тажрибани қўллаш учун дастлаб оила-маҳалла-таълим муассаси-ҳокимлик ҳамкорлигига қаратилган шартнома ишлаб чиқдик. — дейди директор Ҳусанбой Қодиров. — Унга кўра, туманимиз ҳокими Илёсбек Новиков маҳаллий бюджетдан 590 миллион сўм маблағ ажратилишини таъминлаб берди. Бу маблағ мактабимизга олиб келувчи йўлни асфалтлашга, синф хоналарини тажрибага мос жиҳозлаш учун техника воситалари: электрон доска, ўқувчиларнинг ҳар

бир дарсдан олган билимини мустаҳкамлаш учун қўшимча магнит доскалар, телевизор, сумка ва шахсий буюмларини, бино ва хоналарни озода сақлашда кўчада кийган пойабзалларини алмаштириш учун ҳар бир ўқувчига алоҳида ўринли шкаф, қўл, идиш ювиш жойи, овқатланиш хонаси идишлар тўплами, уларни ювиш учун махсус мосламалар ўрнатилди.

Ҳамкорлик шартномасига кўра, мактаб ҳудудида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг телефондан фойдаланиши тақиқланади. Мактабнинг кириш қисмида уяли телефонларнинг қолдириш учун махсус қутилар ўрнатилди. Шу тариқа японча тажрибани қўллашга киришиб кетдик.

— Утган қисқа даврда бу тажрибага болалар қай даражада кўнаниб кетдилар, — юзланамиз бошланғич

синфлар ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича масъули Барнохон Соқиевага.

— Тартиб илк мактаб кундан бошлангани учун болаларимиз жуда тез кўникмоқдалар, — дейди у. — Таълим ва тарбияни японча усулда олиб боришга киришган 10 нафар ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси, кўриб турганингиздай, ҳокимлик таъминлаган энг замонавий компьютер, принтер ва услубий қўлланмалар билан жиҳозланган шахсий иш столига эга бўлди. Биринчи синф ўқитувчилари Матлубахон Саломова ва Матлубахон Комилвалар вилоятда шу тизимга ўтган ҳамкасблари қаторида Гото Микако хонимнинг малака ошириш курсида таҳсил олиб, технологиялар билан ишлаш, болаларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатишнинг кўникмаларини шериклари билан баҳам кўришяпти.

Айтиш керак, овқатланиш пайтида ўзига ўзи хизмат кўрсатиб, навбат билан идишларини ювиб-саранжомлаётган, синф хоналарини тозалашта, албатта назорат остида, ўқувчиларни кузатиб айтаманки, эндиликда улар хонадонларида ҳам шундай тартибга ўрганишди.

— Устоз тўғри айтяптилар, — суҳбатга қўшилади ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Дилфузахон Хошимова. — Ҳамкорлик шартномасига биноан ўқувчиларнинг ота-оналари билан болаларининг ўзлаштириши ҳамда хулқи юзасидан муҳокама ўтказиб бориш мақсадида синф раҳбари ва ота-оналар ўртасида алоқа дафтари, аввалгидай номига эмас, мунтазам ва қатъий тартибда йўлга қўйилди. Ёзишмалардан сезяпмизки, болажонларнинг хонадондаги хулқ-атвори ҳам ўзгариб, тозалликка, тартибга алоҳида эътибор берадиган бўлиб боряптилар экан. Мактабнинг тозаллигига қайғуриш юқори синфларда ҳам сезилиб қолди. Энди босқичма-босқич ўқув хоналарини тозалашни бошқа синфларга ҳам жорий этамиз.

Яна бир гап: мактабимиздаги каттагина экин ерлари ҳар бир синфга ажратиб берилди. Эндиликда улар бир-бирини тақдорламаган ҳолда сабзавот ва полиз экинлари экиб, парвариш қилишга ўрганадилар.

Ҳа, тажрибанинг самарасини вақт кўрсатади. Зеро, ўзининг интилиши, меҳнати билан тартибга, озодликка ўрганган болаларнинг билимга хоҳиши ҳам сизу биз истагандек бўлиши тайин.

Ҳадичахон КАРИМОВА
Суратда: мактаб директори Ҳусанбой ҚОДИРОВ мутахассислар билан тажрибанинг дастлабки натижалари ҳақида суҳбатлашмоқда.
Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ
олган сурат.

Президентимизнинг Халқ қабулхоналари мамлакатимизда, жумладан, туманимизда ҳам инсон манфаатлари устуворлигини ифода этувчи тизим сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу даргоҳга умид билан кириб келаётган ҳар бир фуқаро, мурожаати кўпнинг манфаатини кузлайдими ёки шахсий муаммоси бўйичами, ечим топиб ёки тўғри йўналтирилиб чиқарилса, давлатимизнинг элпарвар сиёсати га ҳамоҳанг иш юритилган бўлади, албатта.

Президентимизнинг туманимиз Халқ қабулхонасига шу йилнинг саккизи ойида 2648 та мурожаат келиб тушди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос давридагидан 304 тага камайган. Уларнинг 2145 таси яъни 83,7 фоизи қаноатлантирилди. Ҳал этилган муаммоларнинг айримларини мисол тариқасида келтириб ўтишни жоз билдик. “Қорақушчи” МФИдан Қўчқорали Бўтаев, Шомирзадан Зироат Мадрахимоваларнинг мурожаатлари асосида йўлнинг кесилган жойларида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётганлиги учун туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси тасарруфидаги 4п-862 ва 4п-856 автомобил йўлининг туташган жойи ҳамда 23-мактаб ёнидаги катта йўлга светофор ўрнатилди. Каттаболтақуллик Кўпайсин Бўрибоевнинг мурожаатига кўра, ҳудуднинг Янгизамин кўчасидаги тик қудуқ дренажи таъмирланиб, фуқароларнинг томорқаларини суғориш учун имкон яратилди. “Бўстон” МФИда яшовчи Мухаббатхон Абдумаликовнинг мурожаати ҳам ижобий ҳал

этилди. Тўрт фарзанди учун алимент тўламаётган отадан 24 миллион сўм нафақа ундириб берилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Қабулхонага қилинган мурожаатларнинг 767 таси юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар, 360 тасига зарур тушунтиришлар берилди. Ҳал этиш жараёни давом этаётган мурожаатлар сони 88 тани ташкил этади. Тўртта сектор кесимида уюштирила-

уларни ҳал этиш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилаётганига қарамай, бу борада қатор камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда. Йилнинг ўтган даври мубайнида камчиликлар юзасидан саккизта тақдимнома, тўртта курсатма, битта таклиф билдирилган хатлар киритилди.

Бу даврда ташкилот ва муассасаларга 1537 нафар фуқародан мурожаатлар келиб тушган бўлса,

бўйи, “Қувурбоши”, “Сармозор”, “Пахтакор”, “Шодлик”, “Файз”, “Янги-арик” маҳаллаларида ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар маълум қилинади. Яна бир қатор маҳаллалардан келган мурожаатларда йўл инфратузилмасидаги ноқулайликлар тилга олинади ва муаммони ҳал этиш сўралади.

Тўғри, кейинги йилларда мурожаатчилар тилга олган муаммоларни бартараф этиш имкониятлари кенгайди. Шунинг учун электр таъминоти, йўл инфратузилмалари қадам-бақадам яхшиланиб бормоқда. Аммо ҳаёт бор экан, муаммо ҳам бўлади. Имтиёзли кредити кечиктирилаётгани, асоссиз ишдан бўшатилгани, иш ҳақи ололмаётгани, фирибгар макрига учрагани, моддий жиҳатдан қийналиб қолаётганлари учун мурожаат қилганларнинг аксарияти тегишли тартибда ўрганилиб, амалий ёрдамлар берилди. Аммо беш бармоқ баравар бўлмаганидек, асосли бўмаган мурожаатларнинг 39 таси кўрмасдан қолдирилишига тўғри келди. Қолдирилган мурожаатларнинг барчаси тўрт мучаси саломат бўла туриб моддий кўмак олишни касб-корга айлантириб олганларга тегишлидир.

Ҳар қандай мурожаатнинг ортида инсон бор. Шундай экан, улар ўз вақтида, асосли кўриб чиқилиши, зарур бўлган ҳолда ижобий ҳал этилиши даркор. Зеро, фаолиятимиздан асосий мақсад элни рози қилишдан иборатдир.

Зоиржон ТўЛАГАНОВ,
Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонаси мудир.

Фуқаро қабулга келди

МУРОЖААТ ОРТИДАГИ ИНСОН

муаммо ҳал бўлишига умид қилади

ётган сайёр қабулларда ҳам мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечимини топтоқда.

Бундан ташқари, ташкилот ва муассасаларга келиб тушаётган мурожаатлар ҳам ўрганиб борилади. Таҳлиллардан маълум бўляптики, фуқаролар, айниқса, туман солиқ инспекцияси, электр тармоқлари корхонаси, бандликка кўмаклашиш маркази, ободонлаштириш бошқармаси, “Халқ банки” туман бўлими, “Сувоқава” туман филиали, кадастр агентлиги туман бўлими, меъморчилик бўлими, мактабгачава мактаб таълими бўлими раҳбариятига у ёки бу муаммони ҳал этиш юзасидан ўтган йилнинг шу давридагидан кўп мурожаат қилганлар. Корхона ва ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъулларга

уларнинг 65 нафари уч мартадан, 9 нафари ўн мартадан кўп мурожаат қилганлар. Фақатгина 2-сектор ҳудудидан беш нафар фуқародан штабга қайта-қайта қилинган мурожаатларда суд тизимидан, мажбурий ижро бюросидан қоникмаслик ҳолатлари акс эттирилган. Мурожаатларнинг қонуний белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши шарт бўлгани ҳолда 143 та мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаган, 37 та мурожаатнинг муддати хатто 30 кундан ортиқ чўзиб юборилган.

“Баландмачит”, “Қорақушчи”, “Кичик Бешқапа”, “Катта Бешқапа”, “Ғиштмон”, “Йўлдошобод”, “Оқтепа”, “Шаҳартепа”, “Шомирза”, “Дехқонобод”, “Лойсон”, “Истиқлол”, “Мумтоз” маҳаллаларида электр таъминотидан, “Қизиларик”, “Сой-

Хотира: Энахон Сиддиқованинг 69 йиллигига

“УМР ЯХШИЛИККА САФАР БЎЛСАЙДИ”



Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти вакиллари қатнашган ушбу тадбир ёрқин ёдномалар, бадиий чиқишлар ҳамда шоира ижодининг илмий талқинлари билан таассуротларга бой бўлди. Шоиранинг шеърлари ўқилди, асарлари асосида сахна кўринишлари намойиш этилди.

Ана шу мазмундаги тадбирлар туманимизда ҳам кенг қамровда ташкил этилаётир. Туман ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳамда

Айни кунларда вилоятимизда Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Энахон Сиддиқова таваллудининг 69 йиллигига бағишланган “Умр яхшиликка сафар бўлсайди” номли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, таниқли ижодкорлар ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилмоқда. Ислон Каримов номли вилоят театр-концерт саройида бўлиб ўтган хотира кечаси ҳамда Фарғона давлат университетида уюштирилган илмий-адабий анжуман, айниқса, адабиёт ва юрт тараққиёти фидоийсининг порлоқ хотирасига муносиб тарзда юқори савияда бўлиб ўтди. Пойтахтдан ташриф этган атоқли шоир ва ёзувчилар, Ўзбекистон

майдондаги фаолияти ва адабий мероси ҳақида кенг маълумотлар берилди, китоблари юзасидан библиографик шарҳ ўтказилди. Тоҳиржон Уринов сўзга чиқиб, шоира босиб ўтган йўлларнинг пасту баланди, шеърини тўпламларининг миллий адабиётимиз ва маънавиятимиз хазинасида тутган ўрни ҳамда юртимиз равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари ҳақида батафсил сўзлади. Шогирд ижодкорларнинг бағишлов шеърлари янгради, бадиий дастур намойиш этилди.



Номи Фарғонанинг буюк фарзандлари қаторида тарихга битилган Энахон Сиддиқовани хотирлаш тадбирлари давом этади ва бу жараёнлар ёшларга ибрат, намуна сифатида кўнгилларда ватанпарварлик, садоқат ҳисларини уйғотиши бегумон.

ДИЛСЎЗ, ЁЗУВЧИ.
Майрамхон АБДУРАҲМОНОВА,
туман ахборот-кутубхона маркази ходими.

“Тўй харажатлари ва ёш оила эҳтиёжи меъёрлари” тавсиясини ўқиб...

МАҲАЛЛА—КАТТА КУЧ

Халқимиз қадим тарихга эга, азалий анъаналар ва беқиёс урф-одатларга бойдир. Шунга кўра, иссиқ-совуқ маросимларимиз ҳам асрий қадриятларимиз асосида ўзига хос тарзда ўтказилади. Бироқ йиллар давомида янги удумлар ўйлаб топилиб, борлари ҳам дабдабали тус олиб, охир-оқибат “ширин ташвиш”ларимиз аччиқ уқубатга айланиб бораётгани ачинарлидир.

Туман газетасининг ўтган сонидан эълон қилинган “Тўй харажатлари ва ёш оила эҳтиёжи меъёрлари” сарлавҳали кўрсатма ва тавсиялар ғоят долзарб мавзунга қамраб олибди. Аслида бу, тўйларимиз билан боғлиқ зўрма-зўраки дабдабаларга кўр-кўрона эргашиб, бор-будини бир-икки кунда сочишга ўрганиб қолган элимизнинг дилидаги гап. Бу, минглаб оилаларнинг оғриғи, тилининг учидан турган талаб-истакларидир. Ваҳоланки, тавсияларни ўқиб, “қанийди шундай бўлса!” деб ўзининг мисолида фиғонидан дуд чиққанлар қанча экан. Аммо, тавсиянинг рўқнида айтилганидек, муаммонинг ечими ўз қўлимизда.



Мурожаатда кўпроқ маҳалла тизими мутасаддиларига вазифалар юклангани бежиз эмас ва бу мутлақо мақсадга мувофиқ талаб. Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлаб келаман, анчагина пасту баландини билман. Дарҳақиқат, агар астойдил киришилса, тўйларни меъёрлаштиришда маҳалла—ката куч! Бу, тўйларни бир кунга келтириш ташаббуси ҳаётга татбиқ этилган даврда

исботланган. Аммо у қатъий назорат қилинмагани учун кимўзарга айланган серхашам тўйлар ҳамон давом этмоқда. “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган таомилга кўра иш тутиб, тўйбошиларни йўлга солишга қаттиқ уринишимиз керак.

Ўзбегим азалдан танти, меҳмондўст. Бироқ бу, топганини тўй-маъракага сочиши керак, дегани эмас. Қўлида борнинг сочиши-ку манманликдир, йўқнинг чиранишига нима дейлик? Фаолиятим давомида тўй қилиб қарзга ботган қанчадан-қанча оилаларни кўрдим, оқибатда йўқчиликдан жанжал чиқиб, ҳатто ажралишгача боришяпти. Ҳеч кимдан кам бўлмай тўй қиламан деб кредит олиш истагида юрганлар ҳам учраб турибди. Юзлаб меҳмон чақириб, қарз эвзасига дастурхон ёзади, исрофгарчиликдан тап тортмайди. Тўйдан кейин эса пул топиш икки ёшнинг бахтидан ҳам муҳим масалага айланади.

Тавсияда айтиб ўтилганидек, пандемия даврида 30-40 кишилик тўйлар ҳам бинойидек ўтди, “шундай ихчам ўтказасан ҳам бўларкан-ку” дедик. Аммо хулоса қилмадик, ибрат олмадик. Айрим тантқиқ пулдорларнинг “етти маҳаллага ош бераман” деб гердайиши ортидан яна тўйларимиз катталашиб кетяпти. Шундай экан, маросимларни ихчамлаштиришга қайтадан, янада қатъийроқ киришмасан бўлмайди.

Тавсияларда энг зарур меъёрларнинг аниқ-тиниқ белгилаб қўйилгани айни муддао бўлибди. “Истиқбол йўли”да урилган бонг ҳар бир маҳалла ва хонадонга етиб бориши, акс-садо бериши шарт. Шундагина ёш оилаларнинг пойдевори мустаҳкам бўлади, ёшларимиз бемаъни ҳой-ҳавасларни деб чет элларда саргардон юрмайди.

Тўйларимиз ҳам моддий, ҳам маънавий ислох этилишига замин бўлувчи мазкур мурожаатни ўз ҳудудимизда тарғиб этиш, амалга оширишга барча мутасадди ҳамкасбларимни чорлаб қоламман. Ушбу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ҳаётга татбиқ этсак, фарзандларимиз бахти ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Маъмуржон РАҲИМОВ,
“Қувурбоши” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мутахассис минбари:
умуммиллий ҳаракати давом этмоқда

Соғлом турмуш тарзига риоя этиш кўплаб муаммоларнинг олдини олиши ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундан уч йил аввал қабул қилган “Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, аҳолини соғлом турмуш тарзига тарғиб этиш биз, мутахассисларга ҳам масъулият юклайди. Бу билан аҳолининг соғлом ҳаёт кечирishi асосида узоқ умр кўришига ҳоли-бақудрат ҳисса қўшамиз.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШДАН БОШЛанаДИ

Саломатлик туман бойлик эканини билганимиз ҳолда, ўз ҳаётимизга, турмушимизга бефарқ қоламиз баъзан. Соғлом яшашга интилиш ҳаётимизга, руҳиятимизга кўчса, турмушимиз гўзаллашиб бораверади. Бироқ йиллар мобайнида нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилик оқибатида инсон у ёки бу хасталикларга чалиниши, иммунитетни пасайиши кузатилади. Афсуски, кўпчилик йиллар мобайнида йиғилган ёғ ёки калликни бир ойда ёки жуда қисқа вақтда йўқотишга эришаман деб, ўйлайди. Мана шу ерда улар хато қиладилар. Чунки соғлом турмуш тарзига одатланишнинг ўзи инсондан, аввало, кучли иродани талаб этади. Қисқа вақтда олинган натижалар кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаганимиз маъқул. Энг ачинарлиси, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилик, ёмон одатлар (чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва шу каби) бора-бора инсонда юрак-қон томир, қандли диабет, бош оғриғи, асаб тизими ва бошқа турли хасталикларга олиб келади.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва соғлом овқатланишни тарғиб этишга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, яқинда, 6 сентябр куни Президентимиз томонидан қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини, соғлом овқатланишини ва жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни аҳоли орасида ҳар томонлама тарғиб қилиш зарурлигига эътибор қаратилди. Қарорда Соғлиқни сақлаш вазирлигига халқаро ташкилотлар ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда шу йил якунига қадар илғор тажрибалар асосида “Аҳоли саломатлиги—2030” миллий стратегиясини ишлаб чиқиш топшириғи



берилди.

Ишончимиз комилки, миллий стратегиянинг бош ғояси ҳам аҳоли саломатлигининг асоси ҳисобланган соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишга қаратилади. Унда одамларнинг кун тартибига қатъий риоя этиши, фаол ҳаракат асосида организмни чиниқтириши, спорт билан шуғулланиши, тўла ва сифатли овқатланиши, гигиеник қоидаларга амал қилиши, зарарли одатлардан ўзини тия билиши каби зарур чоралар тавсия этилиб, амалда бажарилиши назорат қилинади.

Соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиш — инсон умрини узайтириб, ҳаётни севишга, ҳар қандай муаммони жаззаклик билан эмас, босиқлик билан енгишига ёрдам беради. Бу албатта, инсондан анчагина куч, сабр-тоқат ва ҳафсалани, вақт ва шароитни талаб этади. Унутмаслигимиз керак, саломатлимизнинг ўндан тўққизи соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзимизга боғлиқдир.

Алижон СИДДИҚОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири.

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

**Расулulloҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан**



Тўрт ўринда: Аллоҳ йўлида сафлар бирлашганда, ёмғир ёғаётганида, намозга иқомат айтилаётганда ва Катъбани кўрганда дуо ижобат қилиниб, осмон эшиклари очилади.

Абу Умома (розияллоху анху)дан Табароний ривояти.

Уч нарса омонликдир: ичидаю сиртида Аллоҳдан кўрқиб, розиликдаю ғазаби келганда адолатли бўлиш, камбағаллигу бойликда тежамкорлик. Уч нарса борки, улар ҳалоқатдир: ҳавойи нафсига тобе бўлиш, ўзига бўйсиндирувчи хасислик ва кишининг ўзи ҳақида юксак фикрда бўлиши.

Анас (розияллоху анху)дан Абу Шайх ривояти.

Никоҳланганлар, кўпаясизлар. Мен қиёмат кунини умматлар ичида сизлар ила фахрланаман.

Абдураззоқ ривояти.

Бир-бирингизга ҳада беринг, муҳаббатли бўласизлар ва қўл бериб сўрашинглар, шунда сизлардан нафрат ва ғазаб кетади.

Ибн Асокир ривояти.

Ростгўй савдогар қиёмат кунини Арш соясидадир.

Дайламий ривояти.

Гуноҳдан тавба қилувчи гуноҳи йўқ кишига ўхшайди. Гуноҳига истиғфор айтиб, ўша хатони яна давом эттирувчи Раббисини масҳара қилган кишига ўхшайди.

Байҳақий ривояти.

Аллоҳнинг неъматини сўзлаш шукрдир. Уни тарқ қилиш куфрони неъматдир. Кимки оз нарсага шукр қилмаса, кўп нарсага ҳам шукр қилмайди. Кимки одамларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди.

Байҳақий ривояти.

Тавозе бандада фақат юксакликни зиёда қилади. Тавозели бўлинглар, Аллоҳ сизнинг даражангизни кўтаради. Афв эса бандада азизликни ортттиради. Афв этинглар, Аллоҳ сизларни азиз қилади. Садақа молни фақат кўпайтиради. Бас, садақа беринглар. Аллоҳ сизларга раҳм қилади.

Ибн Абу Дунё ривояти.

"2002 ҳадис"дан.

(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).

"Мунир" нашриёти.

Тошкент-2022 йил.

Saboq bekati



Аҳли дониш дейдиларки...

РУҲ ИШЛОВЧИ, АҚЛ БОШЛОВЧИДИР

Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

Кўп сўзлаш билан одам доно бўлмайди, кўп тинглаб доно бўлади ва иззат топади.

Жаҳонни кўлда тутиб туриш учун заковатли бўлиш керак, эл-халқни бошқариш учун ақлу идрок ва журъат керак.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улуг саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Оқил инсон масаланинг ҳар бир жиҳатини ўйлар, тадқиқ ва тафтиш қилур, қатъий ҳукм қилмоққа шошмас, маънавий жиҳатини ҳам тушунар. Далилсиз, ҳужжатсиз бир жумланинг қиёсини рад ё қабул қилмак аҳмоқликдан ҳисобланур.

Абу Али ибн СИНО

Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди. Чунки улар инсонларга фойдали, яъни зарур бўлган нарсаларни ўйлаб топадилар.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасиридур. Рух ишловчи, ақл бошловчидир.

Яхшиларнинг сўхбати—жон роҳати, Сўзлари—дарду аламнинг офати.

Абдулла АВЛОНИЙ

Қанчадан қанча доно, файласуфлар бор эди, энди уларнинг мингидан бири йўқ.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Уламо билан сўхбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Амир ТЕМУР

"Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар"дан. "Янги аср авлоди". Тошкент-2019 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар ИРМОҚНИНГ ҚУВВАТИ— МАНБАИДА

"Ҳар қандай нарсанинг қуввати, ютуғи, афзаллиги—унинг асосий таянчига, моддий ё маънавий жиҳатдан озик олиб турадиган манбаига (масалан, фарзандларнинг илмли-билим-

ли, ишбилармон, уddaбу-рон, обрў-эътиборли бўлиб юриши—ота-оналарининг, устозларнинг, жамиятнинг берган таълим-тарбиясига) бевосита боғлиқдир", дейилмоқчи.

ИНСОН ҚЎЛИ—ГУЛ

Бу билан: "Инсон ҳар нарсага, ҳатто "қилишнинг имкони йўқ" деб ҳисобланган чексиз қийин ва мушкул ишларга ҳам қодир, унинг қўли теккан нарса, унинг

қадами етган жой чирой очади, гуллаб-яшнайдиган, дейилмоқчи.

**"Ҳикматнома"дан.
Тошкент-1990 йил.**



Тўқинчилик



ҲАЁТИ...

XI асрда яшаб ижод этган Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаган. Уни тахминан 1029-1030 йиллар орасида туғилган, деган фикр мавжуд. Олимнинг тўлиқ исми Маҳмуд ибни Муҳаммад Қошғарий. Буваси Муҳаммад ва отаси Ҳусайн Қашғардаги Бирегон шаҳридан бўлиб, ўз замонасининг донишмандларидан бўлган. Қошғарийлар оиласи Баласоғунга (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри) кўчиб келишганда Маҳ-

Кўҳна Шарқ дарғалари

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ

муд ҳали ёш бола эди. Бўлажак олим бу маданий ва илмий марказда кунт билан ўқийди, араб, форс тилларини ўрганади. У Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур шаҳарларида бўлган. Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган.

Маҳмуд ёшлигидан халқ жонли тилидаги сўз ва ибораларни, ҳикматли сўз, мақолларни ёзиб юриди, уларни шарҳлаш, маъносини англашга интилади. Ана шу қизиқиш туфайли у туркий халқлар тарихи, тили, урф-одатларини пухта ўрганиш мақсадида бутун Урта ва Кичик Осиёни кезиб чиқади. Бағдод шаҳрига келиб, араб тили ва адабиётини чуқур ўрганади, арабшуносларнинг илмий ишларини кузатади. Кейинчалик ана шу тўплаган далиллари асосида ўз даврининг энг чўнг олими Маҳмуд Қошғарий "Жавоҳирун наҳв фи луғати турк" ("Туркий тилларнинг синтаксиси дурдоналари") ва "Девону луғотит турк" асарини ёзган. Олимнинг биринчи асари

йўқолган ёки ҳали топилмаган. Маҳмуд Қошғарийнинг 1072-1078 йиллар орасида ёзилган "Девону луғотит турк" асари муқаддима ва луғатдан иборат. Муқаддимада олим сўзларнинг тузилиши, турк қабилалари табақаларининг номини, турк тилларининг баёнини беради. Маҳмуд Қошғарийнинг бу асари ўша даврдаги Урта Осиё халқлари тарихи, турмуши, маданияти, урф-одатлари, адабиётини ўрганишда энг ноёб манбадир. "Девону луғотит турк"да туркий халқлардан ташқари араб, форс, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумот бор.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари давр тақозосига кўра араб тилида ёзилган. Уни немис олими Карл Бреккелман 1928 йили немис тилига, шарқшунос Босим Аталой 1939 йили турк тилига таржима қилган. Асар озарбайжон тилига ҳам таржима бўлган. 1963-1969 йиллари эса С. Муталибов

уни ўзбек тилига ўғирди. Ундаги сўз ва ибораларнинг изоҳли луғатини тузди, мақол ва ҳикматли сўзларни тўплаб нашр этди. Шеърларни эса А. Қаюмов ағдарган. Машҳур рус шарқшуноси В. В. Бартольд таъкидлаганидек, "Маҳмуд ҳаёт воқеаларини, факт ва далилларни ўз кўзи билан кўриб, билиб ёзгани учун" бу асар ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маърифий қимматини сақлаб келмоқда.

...ҲИКМАТИ

Эшитиб ота-онангнинг Сўзларини қадрла. Молу мулкинг кўпайса, Мағрурланиб кутурма.

Ундаб улуг чақирса, Тезлик билан чопиб кел. Очликда бирга бўлгил, Не ҳолда бўлса юрт, эл.

Кенг тўн тўзимас, Кенгашли иш бузилмас.

Ботир жанг-да, доно маж-лисда синалади.

Одобнинг боши тил.

**"Кўҳна шарқ дарғалари"дан.
"Шарқ" нашриёт-матбаа
концерни бош таҳририяти.
Тошкент-1999 йил.**